

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР КЕНГАШИНИНГ РАИСИ  
ҚАРАҚАЛПОҚСТАН РЕСПУБЛИКАСЫ  
МИНИСТРЛАР КЕНЕСИНИНГ БАСЛИҒЫ

14

А.Тажетдиновга

М.Жумановга

М.Джуманиязовга

А.Сейтимбетовга

Р.Рисназаровга

Ж.Идиштуллаевга

Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги

(Ғ.Байниязов)га

Халқ тәрғим вазирлиги (А.Аяпов)га

Олий тәрғим муассасалари ректорларига

(рўйхат бўйича)

Ўрта махсус, касб-хунар тәрғими бошкармаси

(Қ.Қанглибеков)га

Рахбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

ВМнинг 2018 йил 16 июлдаги

542-сонли Қарори ижросини тәрғимлаш юзасидан


ВК қарори лойиҳасини тайёрлашнингизни

сўрайман.

Бақарувчи: Б.Аймбетов

А.Қарлибаев

Назорат: Р.Рисназаров



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМСИНИНГ  
ҚАРОРИ  
ПОСТАНОВЛЕНИЕ  
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

№ 542

Толқин ш. т. Тошкент

Давлат тәрғим муассасалари хузурида спорт клубларини  
ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида Давлат бошқаруви тизимини тўбдал такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 5 мартдаги ПФ-5368-сон Фармони ижросини тәрғимлаш ҳамда ўқувчи ёшлар ва талабаларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан муносабатини шувуллилаштириш тизимини такомиллаштириш, истеъодли ёшларни сарфлаб олинган спорт турлари бўйича миллий терма жамоалар захирасини шакллантириш, шунингдек, спортчиларни теббий тәрғимлаш ишларини ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ тәрғими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус тәрғим вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Ўзбекистон "Ёшлик жисмоний тарбия ва спорт жамияти ҳамда Ўзбекистон талабалар спорт жисмоний тарбия ва спорт жамияти ҳамда Ўзбекистон талабалар спорт ассоциациясининг:

а) умумтаълим мактаблари, ўрта махсус, касб-хунар тәрғими ва олий тәрғим муассасалари хузурида спорт клубларини (кейинги ўринларда спорт клублари деб аташди) ташкил этиш;

б) ташкил этилаётган:

умумтаълим мактаблари хузуридаги спорт клубларини – Ўзбекистон "Ёшлик жисмоний тарбия ва спорт жамияти"нинг (кейинги ўринларда спорт жамияти деб аташди) бюджетдан ташқари маблағлари;

Ўрта махсус, касб-хунар тәрғими ва олий тәрғим муассасалари хузуридаги спорт клубларини – Ўзбекистон талабалар спорт ассоциациясининг (кейинги ўринларда Ассоциация деб аташди) маблағлари ҳисобига мундлаштириш ҳақидаги тақинфлари маъқулансин;

2. Бешинчи бўлими:

спорт клублари тегишлича спорт жамияти ҳамда Ассоциациянинг тәрғим муассасаларида филиали ҳисобланадиган ҳамда маъмур спорт жамияти ҳамда Ассоциациянинг мақсад ва вазифаларини тегишли давлат тәрғим муассасаларида амалга оширишга қўмақлашди;

спорт клублари раҳбари этиб жамоатчилик асосида спорт клуби ташкил этилган давлат тәрғим муассасаси раҳбари (директор, ректор) тавсия этилган ва спорт клубларининг ўлик ва самарали фаолият юрғитишга маъқул

№ 223

К.САРИЕВ

18.07.2018й.

спорт клублари аъзолари ўртасида ўтказиладиган спорт мусобақалари ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларини ҳамда иштирокчиларни қийим-кечак билан таъминлашни молиялаштириш тегишлича спорт жамиятининг ҳамда Ассоциациянинг маблаглари ҳисобга амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тегишлилиги бўйича давлат таълим муассасаларида спорт клубларининг фаолияти ривожланишига кўмакташгани ва тегишли шарт-шароитлар яратгани;

3. Қўйилганлар спорт клубларининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Ўқувчилар ва талабалар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда жисмоний тарбия ва спортни кенг тарғиб қилиш, уларнинг мулғазам равишида жисмоний тарбия билан шугулланишлари учун шарт-шароитлар яратилиш;

Ўқувчилар ва талабалар ўртасида спорт турлари бўйича жамовалар ташкил этиш, улар ўртасида турли спорт мусобақалари ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларини, хусусан "мактаб лигаси", "талабалар лигаси" ташкил этиш орқали истеъдодли ёш спорчуларни аниқлаш;

Ўмумтаълим мактабларида – ўқувчилар орасидан жисмоний тарбия ўнгувчиларини жалб қилган ҳолда истеъдодли ёшларни саралаб олиш (селекция) ҳамда боғалар-ўсимирлар спорт мактаблари спорт захирасини шакллантириш, шунингдек спорт мусобақаларида иштирок этиш учун спорт турлари бўйича ҳафтага каммида 4 соатдан синфдан ташқари спорт тўғрисида машғулотларини ташкил этиш;

Ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида – ўқувчилар орасидан жисмоний тарбия ўнгувчиларини жалб қилган ҳолда истеъдодли ёшларни саралаш ва ихтисослаштирилган боғалар-ўсимирлар спорт мактаблари спорт захирасини шакллантириш, шунингдек, спорт мусобақаларида иштирок этиш учун спорт турлари бўйича ҳафтага каммида 6 соатдан спорт тўғрисида машғулотларини ташкил этиш;

Олий таълим муассасаларида – истеъдодли ёшларни саралаб олиш (селекция) ва спорт турлари бўйича миллий терма жамовалар ҳамда республика олий спорт мақорати мактаблари спорт захирасини шакллантириш, шунингдек, спорт мусобақаларида иштирок этиш учун спорт турлари бўйича ҳафтага каммида 6 соатдан спорт тўғрисида машғулотларини ташкил этиш;

жисмоний тарбия ва спорт жарёнига машғулотлар ўтказиш учун маъкалпи тренерлар ва мутахассисларни жалб этиш, шунингдек, илгор тажрибали жорни кишиш.

4. Давлат таълим муассасалари ҳузуридаги спорт клублари тўғрисидаги низомилована мувофиқ тасдиқлансин.

5. Қўйилганлар спорт клубларини молиялаштириш манобалари этиб белгилансин:

спорт жамиятининг бюджетдан ташқари маблаглари (Ўмумтаълим мактаблари ҳузурида ташкил қилинган спорт клублари учун);

Ассоциация маблаглари (Ўрта махсус, касб-хунар таълими ва олий таълим муассасалари ҳузурида ташкил қилинган спорт клублари учун);

юрдик ва жисмоний шахсларнинг хомийлик хайриятлари;  
хорижий ва халқаро ташкилотлар ҳамда хорижий давлатларнинг грантлари;  
конун ҳужжатларида таъкиқланмаган бошқа манобалар.

6. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги билан биргаликда спорт клубларининг самарали фаолият кўрсатиши, уларнинг моддий-техник база ва тренер-ўқитувчилар тарқиб билан таъминланганлиги, ўқув-машқ жарёсинини сифати устидан назорат қилиниши, спорт машғулотлари мунглам ўтказилиши ва ўқувчилар ҳамда талабалар катнови даражаси мониторингини тизимли асосда олиб борсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда спорт клубларида шугулланадиган ўқувчилар ва талабаларининг мусобақаларга тайёрлик кўришида ва ўқув-тайёрлик машқлари давомида функиционал ҳолати диалогтикасини таъкил этиш, маслаҳат-диалогтика ҳамда даволанш-профилактика ишларини таъкиллатириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кўп тармоқли тибобет марказларида бир йилда икки мартада тибобий кўриқдан ўтказсин;

Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий олимия кўмитаси билан биргаликда доимий равишда спорт турлари бўйича халқаро спорт мусобақалари ва уларга тайёрлик машғулотлари давомида спорчуларни тибобий ходимлар (врач, массажчи, психолог) билан таъминлашни ташкил этиш ва қўзғатиб боришни таъминласин;


Уч ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кўп тармоқли тибобет марказларининг спорт тибобети бўлиmlларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларга зарур жиҳозлар билан таъминлаш чораларини кўрсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги маифақатдор вазирлиқлар ва илоралар билан биргаликда бир ой муддатда ўзарли қабул қилган норматив-ҳужжудий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси бош вазирлигинг ўринбосари А.А. Абдуҳакимов ҳамда Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Ш.Х. Исроилов зиммасига локалинсин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазирли

А. Арпиев



Handwritten signatures and initials at the bottom left of the page.

**Давлат ташлим муассасалари хузуридаги  
спорт клублари тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом давлат ташлим муассасалари хузуридаги спорт клубларининг (кейинги ўринларда спорт клуби деб аталади) ҳуқуқий маком, мақсади ва асосий вазифаларини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шунингдек, фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Спорт клуби тегишлича Ўзбекистон "Ёшлик" жисмоний тарбия ва спорт жамияти (кейинги ўринларда спорт жамияти деб аталади) ҳамда Ўзбекистон ташлим муассасаларидаги филиали ҳисобланади.

Спорт клуби "Надволат ногиржорат ташкилотлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасига мувофиқ қоралик шахс сифатида ташкил этилиши мумкин.

3. Спорт клуби тегишлича спорт жамияти ҳамда Ассоциациянинг раъзкий белгиларидан фойдаланади.

4. Спорт клубига ном бериш тегишлилиги бўйича спорт жамияти ва Ассоциация томонидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

**2-боб. Спорт клубининг мақсади ва асосий вазифалари**

5. Спорт клубининг мақсади давлат ташлим муассасаларининг ўқувчилари, талабалари, педагог ва бошқа холимлари ўртасида жисмоний тарбия ва спортни кенг тартиб қилиш, уларнинг мунгазам равишда жисмоний тарбия билан шугулланишлари учун шарт-шароитлар яратиш, ўқувчилар ва талабаларнинг ташлим олинган ташкари спорт таълими тизимини янада такомиллаштириш орқали истеъдодли ёшларни саралаб олишдан иборат.

6. Спорт клубининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

ўқувчилар ва талабалар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳамда жисмоний тарбия ва спортни кенг тартиб қилиш, уларнинг мунгазам равишда жисмоний тарбия билан шугулланишлари учун шарт-шароитлар яратиш;

ўқувчилар ва талабалар ўртасида спорт турлари бўйича жамоалар ташкил этиш, улар ўртасида турли спорт мусобақалари ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларини, хусусан "мактаб лигаси", "талабалар лигаси" ташкил этиш орқали истеъдодли ёш спортчиларни аниқлаш;

умумтаълим мактабларида ўқувчилар орасидан жисмоний тарбия ўқитувчиларини жалб қилган ҳолда истеъдодли ёшларни саралаб олиш (селекция) ҳамда болалар-ёшмирлар спорт мактаблари спорт захирасини шакллантириш. шунингдек, спорт мусобақаларида иштирок этиш учун спорт турлари бўйича

хафтага камида 4 соатдан синфдан ташкари спорт тўғрисидаги машғулотларини ташкил этиш;

ўрта махсус, касб-хунаар таълим муассасаларида ўқувчилар орасидан жисмоний тарбия ўқитувчиларини жалб қилган ҳолда истеъдодли ёшларни саралаш ва ихтисослаштирилган болалар-ёшмирлар спорт мактаблари спорт захирасини шакллантириш, шунингдек, спорт мусобақаларида иштирок этиш учун спорт турлари бўйича хафтага камида 6 соатдан спорт тўғрисидаги машғулотларини ташкил этиш;

олий таълим муассасаларида истеъдодли ёшларни саралаб олиш (селекция) ва спорт турлари бўйича миллий тарма жамоалар ҳамда республика олий спорт маҳорати мактаблари спорт захирасини шакллантириш, шунингдек спорт мусобақаларида иштирок этиш учун спорт турлари бўйича хафтага камида 6 соатдан спорт тўғрисидаги машғулотларини ташкил этиш;

жисмоний тарбия ва спорт жараянига машғулотлар ўтказиш учун малакали тренерлар ва мутахассисларни жалб этиш, шунингдек, илгор тажрибани жорий қилиш.

**3-боб. Спорт клубининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

7. Спорт клуби қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз аъзолари ва катнашчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини иноқлаглаш ҳамда химоя қилиш;

спорт клуби тўғрисида ҳудудда жисмоний тарбия ва спорт масалаларида доир ташаббуслар билан чиқил, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тақинифлар киритиш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қарорларини ишлаб чиқишда қонуни ҳужжатларида назарда тутилган тартибда иштирок этиш;

ўз фаолияти тўғрисида ахборот тарқатиш;

ўз муассисининг Низомида белгиланган мақсадларида мос келадиган доираларда тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиш;

ўз фаолиятига таъдлуқли масалалар юзасидан йиғилишлар ўтказиш.

белгиланган тартибда пушлик соғломлаштириш хизматларини кўрсатиш;

Спорт клуби қонуни ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8. Спорт клуби қуйидагиларга мажбур:

қонуни ҳужжатлари ва татсис ҳужжатларига риоя этиш;

ўз мого-мулкни ва шу моголаридан фойдаланиш, шу жумладан, моголаштириш манбалари тўғрисидаги ахборот билан клуб аъзоларининг таништириш эркинлигини таъминлаш;

руҳхатдан ўтказувчи орган билан тадбирлар ўтказишни келишиб олиш ва унинг вақилига ўтказилган тадбирларга эркин кириш имконини бериш;

спорт клуби вақиларининг чет мамлакатларга спорт клубининг фаолияти билан боғлиқ тадбирлари улоштирилиши ҳақида руҳхатдан ўтказувчи органини ўз вақилида хабардор қилиш.

Спорт клубига қонуни ҳужжатлари ва мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам қюганлиши мумкин.

#### 4-боб. Спорт клуби фаолиятини ташкил этиши

9. Спорт клубини ташкил этиш учун давлат тавлим муассасасининг спорт иншооти (спорт тadbирлари ва оммавий жисмоний тарбия тadbирларини, спорт турлари буйича ўқув-машқ машгулотлари ва ўқув-машқ йиғинларини ўтказиш учун мўъалланган, ўзига кўйилган норма ва талабларга жавоб берадиган ҳамда тегишли паспортга эга бўлган ёшқ ёки очик тапдаги ихтисослаштирилган иншоот) маржуд бўлиши, шунингдек, зарур спорт анжумлари ва ускуналар билан тавминаниши лозим.

Спорт клуби давлат тавлим муассасасининг спорт иншоотларида дарсдан ташқари вақтларда текинга фойдаланади.

10. Спорт клуби раҳбарлигига жамоатчилик асосида давлат тавлим муассасаси раҳбари (директор, ректор) сайланиши мумкин.

11. Спорт клуби фаолияти самарадорлигини оширишга спорт клуби ташкил этилган давлат тавлим муассасаси раҳбари бевосита жавобдardир.

12. Спорт клубида спорт тўғрисида ишлари спорт клуби ташкил этилган давлат тавлим муассасасаларининг жисмоний тарбия фани ўқитувчилари (ўйрикчилари) томонидан жамоатчилик асосида олиб борилиши, спорт тўғрисида ишларини самарали ташкил этган давлат тавлим муассасаларининг жисмоний тарбия фани ўқитувчилари (ўйрикчилари) спорт клуби раҳбари томонидан клуб мабдаларни ҳисобига моддий рағбатлантирилиши мумкин.

13. Спорт клубидаги спорт тўғрисида ишлари давлат тавлим муассасаларининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиларининг педагогик қостамларидан ўрин олган соғатлар ҳамда давлат тавлим муассасаси ихтиёридаги соғатлар ҳисобига аянига оширилади.

14. Давлат тавлим муассасаларининг жисмоний тарбия фани ўқитувчилари (ўйрикчилари) йиллик иш режалари, педагогик қостамлари соғатларини белгилаш ва тасдиқлашда спорт тўғрисида ишлари, спорт тadbирлари ҳамда ўқувчилар билан ишлари назарда тутилган бўлиши зарур.

15. Спорт клуби томонидан ўқув йилининг бошланган (сентябрь) ойида ушбу ўқув йили давомида ўтказилган оммавий жисмоний тарбия тadbирлари календарь режаси ишлаб чиқилади. Ушбу календарь режа туман (шаҳар) жисмоний тарбия ва спорт бўлиқлари билан келинган ҳолда спорт клуби раҳбари томонидан амалга оширилади.

16. Спорт клуби ўз аъзоларининг талабларига кўра спорт турлари буйича тренер жалб қилган ҳолда пуллик спорт тўғрисидаги ташкил этиши мумкин.

#### 5-боб. Спорт клубида аъзо бўлиш ҳамда аъзоларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

17. Спорт клубига спорт клуби ташкил этилган давлат тавлим муассасасида тавлим олаётган ва фаолият олиб бораётган ўн ёшга тулган ўқувчилар, талабалар, педагоглар ва бошқа ҳолиқлар ихтиёрий аъзо бўлиши мумкин.

18. Спорт клубига аъзо бўлиш воқия етган жисмоний шахслар (воқия етмаганлар учун уларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўзини босувчи шахслар)нинг ёзма аризалари ҳамда спорт клуби раҳбарининг буйругига асосан амалга оширилади.

19. Ўқувчи (таъбибулар бир тавлим муассасасидан бошқасига ёки тавлимнинг кейинги босқичига ўтганида ушбу спорт клуби сафидан чиқарилади ҳамда танилган давлат тавлим муассасаси хузуридаги спорт клубига ихтиёрий равишда қабул қилинади.

20. Давлат тавлим муассасасида асосий ҳолми сифатида фаолият қоритётган педагоглар ва бошқа ҳолиқлар бошқа тавлим муассасасида ўриндош сифатида меҳнат фаолиятини қоритётган бўлса, ўриндош сифатида меҳнат фаолиятини қоритётган давлат тавлим муассасаси хузуридаги спорт клубига ҳам аъзо бўлиши мумкин.

21. Давлат тавлим муассасасида асосий ҳолми сифатида фаолият қоритётган педагоглар ва бошқа ҳолиқлар спорт мусобақалари ва тadbирларида асосий ҳолми сифатида фаолият қоритётган давлат тавлим муассасаси хузуридаги спорт клуби номи билан иштирок этади.

Бир вақтинги ўзида бошқа тавлим муассасасида ўриндош сифатида меҳнат фаолиятини қоритётган педагоглар ва бошқа ҳолиқларнинг спорт тadbирлари ва мусобақаларида бир вақтинги ўзида иккита давлат тавлим муассасаси хузуридаги спорт клублари номидан иштирок этишига йўл қўйилмайди.

22. Спорт клуби аъзолари тенг ҳуқуқли бўлиб, улар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўз хоҳишига кўра спорт клуби аъзолигидан чиқиш;  
спорт клуби томонидан ўтказилган оммавий жисмоний тарбия тadbирлари, спорт тadbирлари ва мусобақаларида, шунингдек, халқаро спорт тadbирлари ва мусобақаларида спорт клуби номи билан қатнашиш.

Спорт клуби аъзолари қонун ҳужжатларида мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

23. Спорт клуби аъзолари қуйидагиларга мажбур:

спорт клуби фаолиятини тартибга солинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ушбу Низомда белгиланган талабларга амал қилиш;  
спорт клуби томонидан ўтказилган турли спорт тadbирлари, кўризмаларда фаол иштирок этиш.

#### 6-боб. Спорт клубини молиялаштириши

24. Спорт клуби қуйидаги манбалар ҳисобига молиялаштирилади:  
спорт жамиятининг боғлжетган ташқари мабдалари (умумтавлим мактаблари хузурида ташкил қилинган спорт клублари учун);

Ассоциация мабдалари (ўрта махсус, касб-хунар тавлими ва олий тавлим муассасалари хузурида ташкил қилинган спорт клублари учун);

юрлик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;  
хорижий ва халқаро ташқилоглар ҳамда хорижий давлатларнинг грантлари;  
қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

#### 7-боб. Спорт клуби фаолияти тўғрисида ҳисобот тузиш ва тақлим этиш тартиби

25. Спорт клуби раҳбари спорт клуби фаолиятининг натижалари ҳисобини қоритида ҳамда рўйхатдан ўтказувчи органга белгиланган тартибда (спорт клуби юридик шахс ҳисобланган тақрида), спорт клуби ташкил этилган давлат

муассасаси раҳбарига (давлат муассасасининг педагогика кенгашига) ҳар ойда, спорт жамияти ва Ассоциацияга ҳар чорақда бир марта тақдим этиб боради.

26. Спорт жамияти ва Ассоциация спорт клублари фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни ҳар ярим йилда бир марта тегишлилиги бўйича Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига киритиб боради.

27. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги давлат таълим муассасалари ҳузурида ташкил этилган спорт клублари фаолияти тўғрисида ахборот сўраш ҳуқуқига эга.

#### 8-боб. Яқуний қонда

28. Ушбу Низомни амалга оширишда юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

